

Сийрат дарслари (19-дарс)



14:10 / 08.02.2019 5303

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларга муомалалари

* * *

133. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, ким яхшилик қилишимга ҳақлироқ?» деди. «**Онанг**», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «**Онанг**», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «**Онанг**», дедилар. «Сўнгра ким?» деди. «**Отанг**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

134. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин мўминага ғазаб қилмасин, агар унинг бир хулқини ёқтирмаса, бошқасини ёқтириб қолар», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

135. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

У «Эй иймон келтирганлар! Сизларга аёлларни зулмла меросга олиш ҳалол эмас» ояти ҳақида айтди: «Эркак киши вафот этса, унинг қариндошлари хотинига ҳақлироқ бўлар эди. Хоҳласа, биронтаси унга уйланар ёки бошқа бировга эрга берар ёки эрга беришмас эди. Улар унга унинг аҳлидан кўра ҳақлироқ эдилар. Бу ҳақда ушбу оят нозил бўлди».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

136. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассалам: «Ким икки қизни балоғатга етгунча боқиб катта қилса, мен билан шундай биргадир», дедилар ва бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар».

Муслим ривоят қилган.

137. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Яҳудийлар аёллари ҳайз кўрса, уйларида бирга овқатланмай ва бирга ётмай қўйишар эди. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг саҳобалари Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламдан бу ҳақда сўрашди. Шунда Аллоҳ «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. «У кўнгилсиз нарсадир, ҳайз чоғида аёллардан четда бўлинг» оятини туширди. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам: **«Жинсий алоқадан бошқа ҳамма нарсани қилаверинг»**, дедилар.

Бу (гап) яҳудийларга етди. Улар: «Бу одам бизнинг бирор ишимизни қўймай барига хилоф қилишни истайди», дейишди. Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишр келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Яҳудийлар бундай, бундай дейишяпти, биз у(аёл)ларга яқинлик қилаверайликми?» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг юзлари ўзгариб кетди. Биз у зот икковидан ғазабландилар, деб ўйладик. Иккови чиқиб кетишди. Уларнинг қаршисидан Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламга совға қилинган сут чиқди. Шунда у зот иккисининг изидан одам юбориб, уни уларга ичирдилар. Шунда иккаласи ўзларидан у зотнинг ғазабланмаганларини билишди».

Муслим ривоят қилган.

* * *

138. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан хаймалада ётган эдим. Ҳайз кўриб қолдим. Аста суғурилиб чиқиб, ҳайз кийимларимни олдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: **«Ҳайз кўрдингми?»** дедилар. «Ҳа», дедим. У зот мени чақирдилар. Яна хаймалада бирга ётдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Хаймала – чойшаб, ёпқич.

* * *

139. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен ҳайзли ҳолимда суякни ғажиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга берар эдим. У киши менинг оғзим теккан жойга оғизларини қўяр эдилар. Ичимликни ичиб, кейин у зотга берар эдим. У киши мен ичган жойга оғизларини қўйиб ичар эдилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

* * *

140. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўраб келганида, одамлар у зотнинг эшиклари олдида туришган эди. Улардан бирортасига изн берилмаган эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳуга изн берилди. У ичкарига кирди. Сўнгра Умар келди. Изн сўради, унга ҳам изн берилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида завжалари жим ўтиришарди. Умар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кулдириш учун бир гап қилай деб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Хорижанинг қизини кўрганингизда эди! Нафақа сўраган эди, бўйнига боплаб туширдим!» деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва: **«Манавилар ҳам атрофимни ўраб олиб, нафақа сўрашмоқда»**, дедилар.

Абу Бакр Оишанинг бўйнини эгиш учун ўрнидан турди. Умар Ҳафсанинг бўйнини эгиш учун ўрнидан турди. Икковлари ҳам: «Расулуллоҳдан у

кишининг ҳузурларида йўқ нарсани талаб қиласизларми?» дейишди. «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан у зотнинг ҳузурларида йўқ нарсани асло талаб қилмаймиз», дейишди.

Сўнгра у зот улардан бир ой ёки йигирма тўққиз кун четда бўлдилар. Кейин қуйидаги оят: «Эй Набий, жуфти ҳалолларингга айт...»дан то «Сизлардан яхшилиқ қилганларга улуғ ажр бордир»гача нозил бўлди. У зот Оишадан бошладилар: **«Эй Оиша! Мен сенга бир ишни айтаман. Шошилмасдан, ота-онанг билан маслаҳат қилиб жавоб бергин»**, дедилар. Оиша: «У қандай нарса, эй Аллоҳнинг Расули?» деди. У зот унга оятни ўқиб бердилар. «Сиз ҳақингизда ота-онам билан маслаҳат қиламанми? Йўқ! Мен Аллоҳни, Унинг Расулини ва охиратни ихтиёр қиламан. Сиздан илтимос, нимани айтганимни бошқа хотинларингизга айтмасангиз», деди. **«Улардан қай бир аёл сўраса, албатта, хабарини бераман. Аллоҳ таоло мени қўпол қилиб эмас, таълим берувчи ва осонлаштирувчи қилиб юборган»**, дедилар у зот.

Муслим ривоят қилган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан